

Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража

Стратегик бошқарув ва лидерлик

соҳаси бўйича

Профессионал Диплом

7-модул: Стратегик коммуникация

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари

Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги лидер ўқитиш берувчи компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96530 6

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади

Мундарижа

Кириш	1
7-модул: Стратегик коммуникация	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	15
Дарс режаси	27
Мустақил топшириқ қисқача йўриқномаси	47

Кириш

Мазкур манбалар буклети Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профessional Диплом спецификациясини тўлдирувчи материалдир. Спецификация сизни нимани ўқитиш ва баҳолаш лозимлиги билан таништиради. Ушбу буклетда сиз юқоридаги вазифани қандай бажариш мумкинлиги тўғрисида таклиф ва ғояларни топасиз.

Буклет сизга дарс ўтиш ва таълим бериш борасида ғояларни тақдим этган ҳолда, ўз ичига, шу жумладан амалий дарслар, реалистик сценарийлар, иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш йўллари ва мустақил таълимни бошқариш ҳамда баҳолаш услубларини олади. Буклет, шунингдек спецификацияда акс этган маълумот қай тарзда амалиётда ишлашини намоён этиб, сизни малака оширишнинг турли йўллариини излашга рухлантиради.

Мазкур манбалар буклети қуйидагиларни тақдим этади:

- модуларни қай тарзда квалификацияни ўқитишга кўмаклашиши тўғрисида қўлланма;
- модуларни квалификацияни ўқитишга ёрдам берувчи тавсия этилган манбалар;
- квалификация барча модуллариини қамраб олган мавзу, вазифа ва баҳоларни тушунтириб берувчи ишлар схемаси;
- модул бўйича қай тарзда дарсларни ўтиш тўғрисида батафсил қўлланмали Дарс режалари;
- барча квалификация модуллариини баҳолашни ўтказишда кўмаклашувчи Мустақил топшириқ йўриқномалари.

Мазкур манбалар буклетидаги маълумот квалификацияни тузиш билан яқин боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан йиғилганлиги сабаб, улар BTEC малака ошириши ўқитилишининг янги ва қизиқарли услубларини излаш билан боғлиқ муаммоларни яхши тушунишади.

Буклетда келтирилган Ўқитишга доир қўлланмасида, квалификация бўйича таълимни режалаштиришда нималарни эътибордан четда қолдирмаслик тўғрисида маълумот мавжуд. Қуйидагилар ҳақида маълумотлар мавжуд:

- сизнинг квалификация курсингиз таркиби;
- қандай қилиб ўз ўқувчиларингиз учун квалификацияни тузиб олишингиз;
- қандай қилиб сиз иш берувчилар билан алоқага чиқишингиз мумкинлиги тўғрисида таклифлар;
- бошқа ёрдамчи ва мақбул манбалар.

Биз сизга индивидуал қўлланма бердик. Ушбу қўлланма ўз ичига ўқув мақсадларига қай тарзда ёндашиш кераклиги борасида таклифларни, шунингдек дарсларни қизиқарли ва ранг-баранг тарзда ўтишга доир ғояларни олади. Шу билан биргаликда, сиз ўз вазифаларингизни қай тарзда режалаштириш тўғрисида маслаҳат ва ғояларни топасиз.

Ҳар бир модул учун биз синчиклаб танланган манбаларни қўшдик. Ресурслар рўйхати сиз ўз ўқувчиларингизга тавсия этишингиз ва/ёки ўқитишда ишлатишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеоларни ўз ичига олади.

7-модул: Стратегик коммуникация

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Ушбу модулнинг мақсади, ташкилотнинг муваффақияти учун алоқанинг аҳамияти ва ташкилотларнинг стратегик коммуникация алоқанинг стратегик чегараларига нисбатан қандай ёндашаётганини ўрганиш ҳисобланади. Сўнг модул ўқувчиларга стратегик коммуникация режасини қандай яратиш ва амалга оширишни кўрсатади.

Ички ва ташқи алоқалар ташкилотнинг муваффақияти ёки муваффақиятининг йўқлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар ҳисобланади. Ташкилотлар хабарларга ва манфаатдор томонларга асосланиб муваффақиятга эришишлари учун ким билан ва қандай мулоқотда бўлишлари тўғрисида, хабар беришлари кераклигини тушунишлари лозим.

Ўқитишнинг юқори даражасини таъминлаш учун ушбу модулнинг тартиби келтирилган, ўқитувчилар қуйида ушбу модулнинг тузилмасини қандай тузиш лозимлиги бўйича асосий қўлланма сифатида келтирилган 1-расмни кўриб чиқишлари лозим.



1-расм: Коммуникация стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш этаплари.

А ўқитиш мақсади, алоқа стратегиясининг чегараларидан фойдаланиб, турли манфаатдор томонлар билан стратегик коммуникациялар мақсадига эришишга йўналтирилган. В ўқитиш мақсади, ташкилот томонидан стратегик коммуникацияларнинг қўлланилиши, аудиторлик ёндашуви қўлланилишининг баҳоси ва ташкилотнинг коммуникациялар соҳасида ўз мақсадларига ва вазифаларига эриша олганлигининг баҳосига йўналтирилган. Баҳолаш ва таҳлил С ўқитиш мақсади учун устувор ҳисобланган алоқа стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қўлланади, D ўқитиш мақсади, эса ушбу стратегиянинг қандай амалга оширилишини кўриб чиқади.

Ўқувчиларнинг ҳар бир ўқитиш мақсади, талабларига муносиб бўлишлари учун мазкур модулда ўқитиш унинг мақсадлари кетма-кетлигига мувофиқ ўтказилиши жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ўқувчилар 6-модул: Стратегик маркетинг принциплари ва амалиёти ҳамда 10-модул: Корпоратив стратегия; концепциялар, режалаштириш ва амалга оширишдан фойдаланишлари мумкин.

Ўқувчилар дарснинг ажралмас қисми бўлишлари учун ўқитиш ва ўрганиш, ўқувчиларга йўналтирилган бўлиши лозим. Мазкур ўқитиш усулини қўллаб-қувватлаш учун иш схемаси ва дарслар режалари фақатгина ўқитувчининг тақдимотига таяниб қолмайди; бунинг ўрнига улар тақдимотлар бирикмаси, Жуфтликда бажариладиган машқларлар ва синфдаги муҳокамаларни ўз ичига олади. Жуфтликда бажариладиган машқлар учун муайян мавзуларни ўрганиш мақсадида, дарсдан ташқари мустақил иш сингари вақт ажратилади. Бундай ёндашув ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни рағбатлантиради ва шу орқали ўзига бўлган ишончни, мулоқот кўникмаларини ва жамоада ишлаш қобилиятини оширади.

Ўқувчилар дарс мобайнида олган билимларига ва дарсдан ташқари мустақил ишларга асосланган тақдимот билан сўзга чиққан ҳолда, жуфтликларда ишлайдилар. Бундай иш усули мулоқот ва жамоада ишлаш кўникмаларини кейинги ривожлантиришларга ёрдам беради ва ўқувчиларни тегишли тадқиқотларда иштирок этишларига рағбатлантиради. Таъкидлаш жоиз, 7-босқич ўқувчилари агар улар синчков ва қизиқувчан ўқувчи ва охир оқибат маълумотга эга ва ўзига ишонган стратегик менежер бўлишни хоҳласалар, янада кўпроқ ўқишлари ва тадқиқотлар билан шуғулланишлари керак бўлади.

Шунингдек, ўқувчилар жамоадаги иш кўникмаларининг ривожланишига ва тадқиқот фаолиятига ёрдам берадиган марказий ва/ёки маҳаллий манбалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари муҳимдир. Иш схемаси таълим жараёнини кучайтириш ва бўлғуси дарсларга тайёргарлик кўришлари учун ўқувчилардан дарсдан кейин шуғулланишларини талаб этади.

Ўқувчилар меҳнат соҳасига имкон қадар стратегик даражада кириш имкониятига эга бўлишлари лозим. Таклиф этилган спикерлар, модулнинг муайян жиҳатига эътиборни қаратиб, ўқитиш ҳамда ўрганишга ҳақиқий ҳисса қўшадилар. Ўқувчилар аввалдан тегишли саволларни тайёрлашлари учун спикер ҳамда унинг ташкилотига бағишланган тадқиқотларда иштирок этишлари мумкин.

Шунинг учун мазкур модулни ўқитиш ва ўрганиш, мантиқли ва тизимли бўлиши, синфдаги ўзаро муносабатларни қўллаб-қувватлаши ва ўқувчиларни расмий муҳитда, шахсий мустақил тадқиқотлар ва ўқиш орқали киритилган концепциялар, назариялар ва моделларни ўрганишларига рағбатлантириши лозим.

Баҳолаш модели

Қуйидаги 1-жадвалда, ҳар бир ўқитиш мақсадлари учун мазмуннинг асосий соҳалари келтирилган. Эътибор беринг, ушбу модул учун иккита баҳоли топшириқ мавжуд.

Баҳо ўқувчини муайян ташкилотда, самарали алоқа стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича маслаҳат бериши лозим бўлган, бошқарув масалалари бўйича маслаҳатчи ролига қўяди.

Ўқувчилар барча баҳолаш мезонлари ва барча ўқитиш мақсадлари муваффақиятга эришиш учун бажарилган бўлишини тушунишлари лозим.

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий соҳалари	Баҳолашга тавсия этилган ёндашув
A Стратегик коммуникацияларни тушуниш	A1 Стратегик коммуникация турлари A2 Стратегик коммуникациянинг мақсад ва моҳияти A3 Алоқа стратегиясининг чегаралари	Ташкилотнинг стратегик коммуникацияга бўлган жорий ёндашув аудитига асосланган ҳисобот.
B Ташкилотнинг стратегик коммуникацияга бўлган ёндашувини тушуниш	B1 Ички коммуникация таҳлили B2 Ташқи коммуникация таҳлили B3 Стратегияни баҳолаш	

Ўқитиш мақсади	Асосий бўлимларнинг мазмуни	Баҳолашга тавсия этилган ёндашув
C Коммуникация стратегиясини ишлаб чиқа олиш	C1 Стратегияни ишлаб чиқиш жараёни C2 Алоқа каналлари C3 Одатий коммуникация режасининг таркибий қисмлари	Стратегик коммуникация режаси.
D Коммуникация стратегиясини амалга ошира олиш	D1 Коммуникация стратегиясини амалга ошириш учун ташкилий салоҳият D2 Амалга ошириш мониторинги ва баҳолаш ёндашуви	

1-жадвал: Ўқитиш мақсадлари бўйича баҳолаш шарҳи

Баҳолаш бўйича қўлланма

Қуйидаги 1-жадвалда, ҳар бир ўқитиш мақсадлари учун мазмуннинг асосий соҳалари келтирилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур модулнинг охирида иккита топшириқ мавжуд.

«Стратегик коммуникацион йўналиш» (ушбу модул учун мустақил ишнинг қисқача йўриқномасини қаранг) баҳоси, ўқувчини янада самарали коммуникация стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бизнесни қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган бошқарув бўйича маслаҳатчи ролига қўяди.

1-топшириқ, ўқувчидан ташкилотнинг турли манфаатдор томонлар билан жорий муносабатлари аудитини ўтказишини талаб қилади, бу эса, ташкилотнинг стратегик коммуникацияга бўлган ёндашувида, муваффақиятни баҳолаш ёки муваффақиятнинг йўқлиги учун асос сифатида ишлатилади.

2-топшириқ, ўқувчилардан тавсияларни ўз ичига оловчи, хусусан, ушбу тавсияларнинг қандай амалга оширилиши тўғрисида, стратегик коммуникация режасини ишлаб чиқишларини талаб этади.

Ўқувчилар барча баҳолаш мезонлари ва шу орқали барча ўқитиш мақсадлари, муваффақиятга эришиш учун бажарилган бўлишини тушунишлари муҳим.

А ва В ўқитиш мақсадлари: 1-топшириқ

Аудиторлик ҳисоботини ўзида акс этувчи 1-топшириқ, аудит натижаларини ўз ичига олиши лозим. У ташкилотга бевосита боғлиқ бўлиши ва ташкилот қўллайдиган ҳамда нима учун қўллайдиган корпоратив коммуникация тушунчаларини намойиш этиши лозим. Ҳисоботда, шунингдек, стратегик мазмундаги ҳам ички, ҳам ташқи коммуникацияларнинг концептуал ва назарий тушунча далиллари тақдим этилган бўлиши лозим.

Концепциялар, назариялар ва моделлар тўғрисидаги янги эгалланган билимлар, ташкилотнинг ёндашувини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда алоқа стратегиясини қўллаш учун ишлатилиши лозим. Баҳонинг баҳолаш мезонлари талабларини инобатга олган ҳолда, киритилганлигига ишонч ҳосил қилиш муҳим.

Ҳисобот стратегик аудитория учун тайёрланган бўлиши лозим. Ҳисобот етарли маълумотни ўз ичига олиши ва ҳисоботнинг хулосаларини асословчи, тегишли далиллар томонидан тасдиқланиши лозим.

С ва D ўқитиш мақсадлари: 2-топшириқ

Коммуникация режаси, аудит ва баҳолашга мантиқан эргашиши лозим ва коммуникациянинг стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнига риоя қилинаётганлиги очиқ-ойдин бўлиши учун мос равишда тузилган бўлиши керак.

Барча тегишли алоқа каналларини тушуниш, мантиқий тузилмали режа доирасида очиқ-ойдин бўлиши лозим. Шунингдек, режа ташкилотнинг манбаларидан ва унинг корпоратив стратегик йўналишидан келиб чиқиб, амалга ошириш жараёнини инобатга олиши лозим.

Режанинг қандай бажарилишини таклиф қилаётганда, ўқитувчилар ўқувчиларнинг стратегик коммуникация режасини мониторинг қилиш ва баҳолашда, бир қатор ёндашувларни кўриб чиққанликлари тўғрисида далиллар бўлиши кераклигини кўрсатишлари керак.

Изоҳ:

Баҳолаш мезонлари ўқувчилардан ҳал қилувчи рол ўйнашларини талаб қиладиган ҳолларда, бу тўғри тарзда намойиш этилиши лозим. Ўқувчилар модулнинг мазмунини ва унинг мос назариялари, концепциялари ва моделларини онгли равишда тушунганликларига асосланиб ўз нуқтаи-назарларига эга бўлишлари керак.

Модулнинг бошланиши

Бошланиш ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади.

Модулнинг охирида баҳони тақдим этиш бўйича қўлланма

Ушбу малакани ўқитаётганингизда, баъзи модулларнинг ўқитиш якуни бўйича баҳолаш усуллари баҳқача ёндашганликларини сезасиз. Баъзи модуллар сизга баҳони ўқитиш дастури сўнгида, баҳолашни киритишингизни таклиф этаётган бир вақтда, бошқалари баҳолашни ўқитиш дастури вақтида киритишингизни таклиф этади.

Агар сиз модулни ўқитиш вақтида, ўқувчиларингиз билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлишни хоҳласангиз, баҳони тақдим этиш учун кейинроқ, (масалан: модулнинг ўнта дарсидан еттинчи дарсида) модул дастурида бироз вақт ажратишингиз мумкин. Шундай қилиб, сиз кўрсатмалар беришингиз, баҳолашга бўлган талабларни тушунтиришингиз, шунингдек, модулни баҳолаш ҳамда ўқувчиларга уларнинг ривожланишлари учун фикр-мулоҳазалар билдиришларига имкон беришингиз мумкин.

Бундан ташқари, сиз якуний дарсда баҳолаш ўтказишингиз ва модулни баҳолашингиз, шунингдек, ушбу модул бўйича дастур якунидан сўнг фикр билдиришларига имкон беришингиз керак.

7-модул: Стратегик коммуникация

Кириш

Ўқувчиларни модул спецификациясида ва ушбу қўлланмада кўрсатилган манбалар, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзлари аниқлаган бошқа манбалардаги материалларни кўпроқ ўқишларини рағбатлантириш лозим. Ўқувчилар баҳолашнинг бир қисми бўлган тавсияларни, тўлиқ асослай олишлари учун кўпроқ ўқиш зарур.

Ўқувчилар иш схемаси (ИС) ва дарс режаларида (ДР) баён қилинган асосий концепциялар ва моделларни тушунишлари лозим. Улар моделнинг афзалликлари, мазмунга ёки вазиятга ҳамда концепция ёки моделдаги ҳар қандай камчиликларга мослигини чуқур тушунишларини намоёйиш этиш учун қўллашдан аввал ушбу концепция ва моделларнинг танқидий таҳлилини ўтказишлари керак бўлади.

Дарслар бир қатор турли тадбирларга ажратилган. Эътибор беринг, синфдаги муҳокамалар вақтида сиз қуйидагиларни бажаришингиз лозим:

- заруратга қараб, саволлар ва жавоблардан фойдаланиб, барча ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларини рағбатлантиришга;
- ўқувчиларнинг асосий шарҳларини ёзув тахтасига ёзишга.

7-модул: Стратегик коммуникация
Ўқитувчининг тақдимотлари ва синфдаги муҳокамалар вақтида ўқувчилар қайдларни амалга оширишлари лозим.
А ўқитиш мақсади: Стратегик коммуникацияларни тушуниш
А ўқитиш мақсади мавзуси, ўқувчилар коммуникациянинг стратегик мазмундаги базавий тушунчасига эга бўлишларига йўналтирилган. 1-дарсда, ўқувчилар корпоратив коммуникация турлари билан танишадилар. Сўнг улар ташкилотнинг барча манфаатдор томонлари билан самарали муносабатларнинг аҳамиятини кўриб чиқади. Мазкур мавзу ўқитувчининг тақдими, Жуфтликда бажариладиган машқларлар ва синфдаги муҳокамалар бирикмаси ёрдамида ўрганилади. Ушбу ўрганиш жараёнини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга алоҳида эътибор, стратегик коммуникацияга қаратилган иккита турли матнни ўқишлари таклиф этилади. 2-дарс ўқитувчининг тақдими, Жуфтликда бажариладиган машқларлар ва синфдаги муҳокамаларнинг бирикмасини тақдим этувчи ўқитиш услубини акс этади. 2-дарснинг мавзулари бўлиб, стратегик коммуникациянинг мақсади ва аҳамияти, шунингдек, уларни танқидий таҳлил ёрдамида ва стратегик чегаралардан фойдаланган ҳолда, қандай ривожлантириш мумкинлиги ҳисобланади (А2 ва А3 мавзулари). Ушбу янги ўқитиш биринчи дарс сўнгига, дарсдан ташқари мустақил иш давомида ишлаб чиқиладиган ва ушбу дарсдан бошланадиган, синфдаги муҳокамаларда давом этадиган стратегик алоқа тушунчасини чуқур тушунишга асосланган бўлиши лозим. Ўқитиш жараёнини мустаҳкамлаш учун ўқувчилар Ўзбекистондаги ташкилотнинг коммуникация стратегияси тузилмасидан қандай фойдаланишини ўрганишлари ва 3-дарсда тақдим этиладиган ўз натижаларининг тақдимотини тайёрлашлари керак. Ўқувчилар дарсдан ташқари мустақил ишнинг ушбу топшириғи учун жуфтликларда ишлайдилар. Изоҳ: Агар ўқувчилар ўз тадқиқотларини ҳақиқий ташкилотда асослай олмасалар кейс-стади талаб этилади.
В ўқитиш мақсади: Ташкилотнинг стратегик коммуникацияга бўлган ёндашувини тушуниш
Мазкур ўқитиш мақсадининг мавзуси, ташкилотнинг корпоратив стратегияларни қўллаб-қувватлаш учун стратегик коммуникациялардан фойдаланишга қандай ёндашишидан иборатдир.

7-модул: Стратегик коммуникация

Ушбу ўқитиш мақсади учун дастлабки иккита дарс (3- ва 4-дарслар) ташкилотнинг ҳам ички, ҳам ташқи манфаатдор томонлари билан ўзаро муносабатига бўлган ёндашувини баҳолаш учун қўлланиладиган SWOT ва манфаатдор томонларнинг таҳлили каби таҳлил қилиш воситаларини тақдим этади.

Дарсдаги маълумотлар ўқувчиларга йўналтирилган ва дарсларнинг кўп қисми ўқувчиларнинг таҳлил воситаларини ташкилотнинг ички ва ташқи манфаатдор томонлар билан стратегик муносабатига бўлган ёндашувига қўллашларига қаратилган.

Ҳар бир дарснинг сўнгидаги дарсдан ташқари мустақил иш, турли ташкилотларнинг стратегик муносабатларга ички ва ташқи манфаатдор томонлар билан ёндашувига қаратилган матнларни ўқишни ўз ичига олади.

Бу ерда 5-дарснинг мавзуси – ташкилотнинг коммуникацион стратегиясини баҳолаш (B3 мавзуси); ўқувчилар 3 ва 4-дарслардаги ички ва ташқи коммуникацияларнинг таҳлилидан фойдаланадилар. Ўқитувчи баҳолаш учун баъзи таянч тушунчаларни бериш учун манфаатдор томонлар билан муносабатда бўлиш ва муваффақиятнинг танқидий омиллари концепциясини тақдим этади. Агар ўқувчилар 10-модул: Корпоратив стратегия, Концепциялар, режалаштириш ва амалга оширишни ўрганган бўлсалар, у ҳолда, манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабатлар, улар учун таниш бўлиши мумкин.

Ўқитиш жараёнини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга, манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат ва фикр алмашиш ҳамда стратегик коммуникация учун танқидий муваффақият омиллари тўғрисидаги иккита турли манбадан битта бобни ўқишлари таклиф этилади.

С ўқитиш мақсади: Коммуникация стратегиясини ишлаб чиқа олиш

С ўқитиш мақсади мавзуси бўлиб, стратегик коммуникация режасини яратиш йўли билан намоиш этиладиган стратегик коммуникация стратегиясини яратиш ҳисобланади.

6-дарс ўқувчиларни стратегия доирасида фойдаланиш мумкин бўлган самарали стратегия ва режани ишлаб чиқишга олиб келадиган, коммуникация стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни билан таништилади. Ўқувчилар учун алоқа каналларини янгидан ўрганиб чиқишга ўтишларидан аввал, жараёни тўлиқ тушунишлари муҳим, чунки айнан энг мос ва самарали алоқа каналини танлаш, уларнинг режалари муваффақиятли бўлиши ёки бўлмаслигини белгилайди.

Ўқитиш жараёнини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга стратегияни ишлаб чиқиш жараёни тўғрисидаги иккита турли манбадан битта бобни ўқишлари таклиф этилади.

7-модул: Стратегик коммуникация

7-дарс ўқувчиларга йўналтирилган ва алоқа каналларига қаратилган. Дарс С2 мазусини қамраб олади. Ўқувчилар ташкилотларнинг ўз коммуникация стратегияларини қўллаб-қувватлашлари учун алоқа каналларидан қандай фойдаланишларини ўрганадилар. Бу ўқувчиларга бир қатор ташкилотлар билан ўзаро муносабатда бўлиш ва ўз коммуникация стратегияларини қўллаб-қувватлашлари учун турли алоқа каналларидан фойдаланиш имкониятини берадиган, онлайн-тадқиқот ёрдамида самарали амалга оширилиши мумкин.

Ушбу дарс доирасида ўқувчилар тақдимотларини тайёрлашлари ва синфга тақдим этишлари учун жуфтликларда ишлайдилар, сўнг, барча ўқувчиларнинг хулосалари муҳокама қилинади.

Ўқитиш жараёнини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга алоқа каналлари тўғрисидаги иккита турли манбадан битта бобни ўқишлари таклиф этилади.

8-дарс одатий стратегик коммуникация режасини ташкил этувчи турли таркибий қисмларга бағишланган.

Ўқитувчининг стратегик коммуникация режасидаги одатий таркибий қисмлар билан ўртоқлашаётган тақдимотдан кейин ўқувчилар жуфтликларда ҳар бир таркибий қисмни танқидий таҳлил қиладилар ва ўз таҳлилларини синфнинг қолган қисмига тақдим этадилар. Сўнг тақдимот асосида синфда янада кенгроқ муҳокама давом этади.

Ўқитиш жараёнини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга стратегик коммуникация режалари тўғрисидаги, иккита турли манбадан битта бобни ўқишлари таклиф этилади.

Изоҳ: Ўқувчилар баҳолаш ишининг 2-топшириғидаги, ўз коммуникация режалари учун асос сифатида, мазкур стратегик коммуникация режаси таркибий қисмларидан фойдаланишлари мумкинлиги тўғрисида хабардор бўлишлари лозим.

D ўқитиш мақсади: Коммуникация стратегиясини амалга ошира олиш

Ушбу ўқитиш мақсадининг мавзуси – стратегик коммуникация режасида баён қилинган стратегик коммуникацион стратегиясини амалга ошириш.

9-дарс D1 мавзусига бағишланган ва ўқувчиларга қаратилган. Ўқувчилар SWOT-таҳлилининг таҳлилий воситаларини қайта кўриб чиқадиладар. Шунингдек, улар стратегик коммуникация режасини амалга оширишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тўсиқлар тўғрисида билиб оладилар ва ушбу тўсиқларни енгиб ўтиш йўллари кўриб чиқадиладар.

Ўқувчилар SWOT-таҳлилини, ташкилотда стратегик коммуникацияга нисбатан қўллашлари учун жуфтликларда ишлайдилар. Шунингдек, ўқувчилар режани самарали амалга ошириш йўлидаги тўсиқларнинг таъсирини ва уларни енгиб ўтиш усулларино инобатга олишлари лозим.

7-модул: Стратегик коммуникация

Сўнг, ўқувчилар ушбу натижалар гуруҳда муҳокама қилинишидан аввал ўзларининг таҳлил натижаларини тақдим этадилар.

Ўқитиш жараёнини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга стратегик коммуникация режасини амалга оширишдаги тўсиқлар тўғрисида иккита турли мантиқлардан битта боб ўқишлари таклиф этилади.

10-дарс, ушбу модулнинг сўнгги дарси, стратегик коммуникация режасининг мониторинги ва баҳосига бўлган сифат ва миқдор ёндашувлари билан таништиради, шунингдек, мониторинг ва баҳога бўлган иккала турдаги ёндашувнинг долзарблиги ва қадрлилигини муҳокама қилишга бағишланган.

Ушбу модул учун расмий ўқитиш ва ўрганишни якунлаш учун бутун модулнинг муҳокамаси ўтказилади, шунингдек, баҳоли топшириқлар кўриб чиқилади.

Бошқа ВТЕС модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Мазкур модул қуйидагиларга мурожаат қилади:

- 6-модул: Стратегик маркетинг принциплари ва амалиёти.
- 10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар, Режалаштириш ва Имплементация.

Ресурслар

Китоблар

Бургельман Р., Кристенсен С. ва Уилрайт С – *Технологияларни стратегик бошқариш* (5-нашр), McGraw-Hill Education (2008), ISBN-13: 9780073381541

Falkheimer J and Heide M – *Strategic Communication; an introduction* (Routledge 2018) ISBN 9781138657038 (print) ISBN 9781315621555 (electronic)

McClean D – *Strategic Planning; As Easy as A, B, C* (Lulu Publishing, 2015) ISBN 9781483422442 (print) ISBN 9781483422435 (electronic)

Stanton R – *Corporate Strategic Communication 2017 Edition* (Red Globe Press, 2016) ISBN 9781137544070 (print)

Журналлар

Бошқарув тўғрисидаги Европа журнали (Elsevier)

Гарвард бизнеси шарҳи (Harvard Business Publishing)

Маълумотни бошқариш (SourceMedia)

Ахборот технологиялари ва одамлар (Emerald)

Ахборотни бошқариш бўйича халқаро журнал (Elsevier)

Бизнес-стратегия журнали (Emerald)

Коммуникацияларни бошқариш журнали (Emerald)

Бугунги бошқарув (Haymarket Business Media)

Стратегик ўзгаришлар (John Wiley and Sons)

Стратегик коммуникацияларни бошқариш (Melcrum)

Веб-сайтлар

www.ft.com – Financial Times

www.iod.com – Директорлар институти

www.managers.org – Чартер бошқарув институти

www.prweek.com – Жамоатчилик билан алоқа

www.sps.org.uk – Стратегик режалаштириш жамияти

Pearson ҳар қандай ташқи интернет сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб/университетнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришларини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	7-модул: Стратегик коммуникация
Ўқув соатлари	30
Дарслар сони	10
Дарслар давомийлиги	3
Бошқа модулларга ҳаволалар	6-модул: Стратегик маркетинг принциплари ва амалиёти 10-модул: Корпоратив стратегия: Концепциялар, Режалаштириш ва Имплементация.

Ўқитиш учун калитлар			
ЁМТ	Ёзма мустақил топшириқ	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Модулга кириш ва унинг баҳоси Концепцияга кириш ва коммуникация жараёни		Кириш: Ўқитувчи модулнинг дескриптори мазмуни, баҳолаш мезонлари ва қўшимча манбаларни тақдим этади. Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Бизнес-контекстдаги концепция ва коммуникация жараёнини тадқиқ этинг. Ўқитувчи тақдимоти (ТС1): Ички манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат.	Модул дескриптори Тақдимот слайдлари ва қайдномалар Ёзув тахтаси ва ручкалар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
	Корпоратив коммуникациялар турлари А1 мавзуси		• Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар ички манфаатдор томонлар билан самарали муносабатни ташкиллаштиришлари учун аҳамиятни муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи тақдимоти (ТС2): Ташқи манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар ташқи манфаатдор томонлар билан самарали муносабатни ташкиллаштиришлари учун аҳамиятни муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Жуфтликда бажариладиган машқларлардан натижаларни қўшимча ўрганиш. • Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг тушунганликларига ишонч ҳосил қилади ва навбатдаги дарс учун мавзу тайёрлайди. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқитиш жараёнини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга стратегик коммуникация тўғрисидаги иккита турли манбадан битта боб ўқиш таклиф этилади.	

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Стратегик коммуникация ва коммуникацион стратегия тузилмасининг мақсади ва аҳамияти А2 ва А3 мавзулари		• Кириш: 1-дарсни такрорлаш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Стратегик коммуникация тўғрисидаги дарсдан ташқари мустақил ишнинг топшириғи асосида. • Ўқитувчи тақдимооти (ТС3): Стратегик коммуникациянинг мақсади. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар ташкилот учун стратегик коммуникацияларнинг аҳамиятини муҳокама қиладилар. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчиларнинг ҳар бир жуфтлиги, синфда машқнинг натижаларини тақдим этишлари лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Жуфтликда бажариладиган машқларлардан натижаларни қўшимча ўрганиш. • Ўқитувчи тақдимооти (ТС4): Коммуникацион стратегиянинг тузилмаси. • Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг тушунганликларига ишонч ҳосил қилади ва навбатдаги дарс учун мавзу тайёрлайди. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар Ўзбекистондаги ташкилотнинг коммуникацион стратегия тузилмасидан қандай фойдаланаётганлигини ўрганишлари лозим. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар 3-дарс учун тақдимот тайёрлашлари лозим.	1-дарснинг, дарсдан ташқари мустақил ишидаги топшириқ томонидан таклиф этилган муҳокама учун саволлар. Тақдимот слайдлари ва қайдномалар Ёзув тахтаси ва ручкалар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	Ички коммуникация таҳлили В1 мавзуси		• Кириш: 2-дарсни такрорлаш. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ҳар бир жуфтлик синфда дарсдан ташқари мустақил иш топшириғига тегишли хулосаларни тақдим этишлари керак. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Тақдимот материаллари асосида. • Ўқитувчи тақдимоти (ТС5): Ички манфаатдор томонлар шарҳи. • Ўқитувчи тақдимоти (ТТС6): Таҳлилий воситалар. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар ташкилотнинг ички манфаатдор томонларига таҳлилий воситаларни қўлайдилар. • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчиларнинг ҳар бир жуфтлиги синфда машқнинг натижаларини тақдим этиши лозим. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Таҳлилий воситаларни қўллашга тегишли жуфтликда бажариладиган машқларларнинг кейинги натижаларини ўрганинг. • Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг тушунганликларига ишонч ҳосил қилади ва навбатдаги дарс учун мавзу тайёрлайди.	2-дарснинг дарсдан ташқари мустақил ишидаги топшириқ томонидан таклиф этилган муҳокама учун саволлар. Тақдимот слайдлари ва қайдномалар Ёзув тахтаси ва ручкалар Жуфтликда бажариладиган машқларлар учун кейс-стади

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар ўқитиш жараёнини мустаҳкамлашлари учун ички манфаатдор томонлар билан муносабат тўғрисида иккита турли манбадан битта боб ўқийдилар.	
4	Ташқи коммуникация таҳлили В2 мавзуси		Кириш: 3-дарсни такрорлаш. Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ички манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат тўғрисида дарсдан ташқари мустақил иш топшириғи асосида. Ўқитувчи тақдироти (ТС7): Ташқи манфаатдор томонлар шарҳи. Ўқитувчи тақдироти (ТС8): Таҳлилий воситалар шарҳи. Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар ташкилотнинг ташқи манфаатдор томонларига таҳлилий воситаларни қўлайдилар. Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчиларнинг ҳар бир жуфтлиги, синфда машқнинг натижаларини тақдим этишлари лозим. Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Жуфтликда бажариладиган машқларлардаги натижаларни қўшимча ўрганиш. Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг тушунганликларига ишонч ҳосил қилади ва навбатдаги дарс учун мавзу тайёрлайди.	3-дарснинг дарсдан ташқари мустақил ишидаги топшириқ томонидан таклиф этилган муҳокама учун саволлар. Тақдимот слайдлари ва қайдномалар Ёзув тахтаси ва ручкалар 3-дарсдаги кейс-стади

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқувчилар ўқитиш жараёнини кучайтиришлари учун ташқи манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат тўғрисидаги иккита турли манбадан битта боб ўқийдилар.	
5	Стратегияни баҳолаш В3 мавзуси		Кириш: 4-дарсни такрорлаш. Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Ташқи манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат тўғрисидаги дарсдан ташқари мустақил иш топшириғи асосида. Ўқитувчи тақдимоти (ТС9): Манфаатдор томонлар билан муносабат, фикрлар, шунингдек, муваффақиятнинг танқидий омиллари шарҳи. Жуфтликда бажариладиган машқлар: 3 ва 4 дарслардаги ички ва ташқи таҳлиллар асосида ўқувчилар қуйидаги асосий жиҳатлардан фойдаланиб, ташкилотни баҳолашлари лозим: - Манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабатлар ва фикр-мулоҳазалар алмашиш; - коммуникациянинг стратегик мақсадлари ва вазифаларига эришиш; - муваффақиятнинг танқидий омилларида стратегик коммуникацияга эришиш. Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчиларнинг ҳар бир жуфтлиги, синфда машқнинг натижаларини тақдим этишлари лозим.	4-дарснинг дарсдан ташқари мустақил ишидаги топшириқ томонидан таклиф этилган муҳокама учун саволлар. Тақдимот слайдлари ва қайдномалар Ёзув тахтаси ва ручкалар 3 ва 4 дарслардаги кейс-стади

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Такдимот материаллари асосида. • Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг тушунганликларига ишонч ҳосил қилади ва навбатдаги дарс учун мавзу тайёрлайди. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқитиш жараёнини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат, фикр-мулоҳазалар, шунингдек, стратегик коммуникация учун муваффақиятнинг танқидий омиллари, тўғрисидаги иккита манбадан битта бобни ўқишлари таклиф этилади.	
6	Стратегияни ишлаб чиқиш жараёни С1 мавзуси		• Кириш: 5-дарсни такрорлаш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат ва фикр-мулоҳазалар, шунингдек, стратегик коммуникациялар учун муваффақиятнинг танқидий омиллари тўғрисида, дарсдан ташқари мустақил иш топшириғи асосида. • Ўқитувчи такдимоти (ТС10): Стратегияни ишлаб чиқиш жараёни – умумий тасаввур. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Стратегик коммуникация режасини ишлаб чиқишда стратегияни ишлаб чиқиш жараёнининг мақсади ва аҳамияти асосида. • Ўқитувчи такдимоти (ТС11): Ушбу ўқитиш мақсади учун мундарижада кўрсатилган стратегияни ишлаб чиқиш жараёни асосида.	5-дарснинг дарсдан ташқари мустақил ишидаги топшириқ томонидан таклиф этилган муҳокама учун саволлар. Такдимот слайдлари ва қайдномалар Ёзув тахтаси ва ручкалар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			• Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар стратегияни ишлаб чиқиш жараёнини танқидий таҳлил қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Стратегияни ишлаб чиқиш жараёнининг таҳлили асосида. • Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг тушунганликларига ишонч ҳосил қилади ва навбатдаги дарс учун мавзу тайёрлайди. • Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқитиш жараёнини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга, стратегияни ишлаб чиқиш жараёни тўғрисидаги иккита турли манбадан битта боб ўқишлари таклиф этилади.	
7	Алоқа каналлари C2 мавзуси		• Кириш: 6-дарсни такрорлаш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Стратегияни ишлаб чиқиш тўғрисидаги дарсдан ташқари мустақил иш топшириғи асосида. • Ўқитувчи тақдироти (ТС12): Алоқа каналлари • Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчилар ташкилотларнинг ўз коммуникацион стратегияларини қўллаб-қувватлашлари учун алоқа каналларидан қандай фойдаланаётганликларини аниқлаш учун онлайн-тадқиқот ўтказадилар.	6-дарснинг, дарсдан ташқари мустақил ишидаги топшириқ томонидан таклиф этилган муҳокама учун саволлар. Тақдимот слайдлари ва қайдномалар Ёзув тахтаси ва ручкалар Жуфтликда бажариладиган машқлар учун интернетга уланган компьютерлар

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			Жуфтликда бажариладиган машқлар: Ўқувчиларнинг ҳар бир жуфтлиги, синфда машқнинг натижаларини тақдим этишлари лозим. Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Тақдимот материаллари асосида. Якун: Ўқитувчи ўқувчиларнинг тушунганликларига ишонч ҳосил қилади ва навбатдаги дарс учун мавзу тайёрлайди. Дарсдан ташқари мустақил иш: Ўқитиш жараёнини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларга алоқа каналлари тўғрисида иккита турли манбадан битта боб ўқишлари таклиф этилади.	
